

## Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг кўп қилган дуолари (2-қисм)



19:44 / 26.04.2018 6109

679. *Абу Умомадан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Шунда у зот кўп дуо қилдилар. Уни ёдлай олмадик.**

**«Биз ёд олмаган дуони қилдингиз», дедик.**

**«Мен сизларга ўшаларнинг ҳаммасини жамлайдиган нарсани айтаман: «Аллоҳим! Албатта, биз Сендан Набийнинг Муҳаммад сўраган нарсани сўраймиз. Биз Сендан Набийнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам паноҳ сўраган нарсадан паноҳ сўраймиз. Аллоҳим! Ёрдам сўралувчи Сенсан. Етказувчи Сенсан. Куч ҳам, қувват ҳам фақат Аллоҳ биландир», дедилар».**

**Шарҳ:** Демак, Аллоҳ таолодан «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўраган нарсани сўрайман, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам паноҳ сўраган нарсдан паноҳ сўрайман», деб қилинган дуо жуда кўп нарсани қамраб олар экан.

Уламолар: «Ушбу дуо каби жамловчи ва фойдали нарса йўқ», деганлар. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу дуоларида дунё ва охиратнинг яхшиликларидан бирор нарсани қолдирмай сўрадилар ҳамда дунё ва охиратнинг ёмонлигидан бирортасини ҳам қўймай паноҳ тиладилар.

*680. Амр ибн Шуъайбдан, у отасидан, у бобосидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Аллоҳим! Мен Сендан Масиҳ Дажжолнинг фитнасидан паноҳ сўрайман ва дўзахнинг фитнасидан паноҳ сўрайман», деганларини эшитдим».**

**Шарҳ:** «Дўзахнинг фитнаси»дан мурод, дўзахга тушишга сабаб бўладиган фитнадир.

Бу дуода қиёматга яқин ва охиратга боғлиқ ёмонликлардан паноҳ сўраш бор.

### **1. «Масиҳ Дажжолнинг фитнасидан паноҳ сўрайман».**

Аввалроқ айтиб ўтганимиздек, «дажжол» сўзи аслида «кўп алдовчи» деган маънони билдиради. Кўп алдамчилик қилиши учун қиёмат яқин қолганда чиқадиган Дажжол ҳам шу лақабни олган. Унинг тана тузилишида ўзига хос аломатлари бўлади. Бир кўзи теп-текис бўлади. Шунинг учун у «масиҳ» сифати ила сифатланади.

Дажжолга берилган сеҳр, баъзи одамларни ўлдириб, бошқаларини тирилтириш каби нарсалар одамларни алдаб қўйиш хавфи бор. Шунингдек, у ҳақни ботил ила кўмиб ташлаш қобилиятига ҳам эга.

У асли яҳудий одамдир. Мадинаи Мунавварага нисбатан машриқ тарафдан чиқади. У одамлар орасида аҳли салоҳликни ва тақводорликни даъво қилади. Кейинроқ худолик даъвосини қилади.

Унинг фитнасига жуда кўп одамлар, хусусан яҳудийлар учади ва унга эргашади.

### **2. «Дўзахнинг фитнасидан паноҳ сўрайман».**

«Дўзахнинг фитнаси» – дўзахга тушишга сабаб бўладиган барча нарсалар ва амаллардир.

Аллоҳ таоло барчамизни Дажжол ва дўзахнинг фитнасидан Ўзи асрасин!

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Одоблар ҳазинаси китобидан)*